



РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАРНИ АНИҚЛАШ, ҚАЙД ЭТИШ ВА ОЛИБ ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Закурлаев Абдумутал Каримович

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети “Жиноий ҳуқуқий фанлар” кафедраси профессори, ю.ф.д.

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7840035>

ARTICLE INFO

Received: 06th April 2023

Accepted: 17th April 2023

Online: 18th April 2023

KEY WORDS

Рақамли технология, далил, исботлаш жараёни, қурол ва воситалар, экспертиза, компьютер.

ABSTRACT

Мақолада жамиятга шиддат билан кириб келаётган рақамли технология ва рақамли воситалар, улардан фойдаланиб содир этилаётган жиноятларни аниқлаш рўйхатга, мақбул далиллар билан исботлаш жараёнида, жиноятни содир этишда фойдаланилган қурол ва воситаларни аниқлаш, улардан изларини қолдирган воситаларни топиб қайд этиш ҳамда хужжатлаштиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари фаолияти ва экспертиза тайинланган марказларда бу тақдим этилган воситаларни қабул қилиш, тадқиқ қилиб, қайтариш жараёнидаги муаммолар ва ечимига қаратилган масалалар муҳокама қилинади.

Жадал суратлар билан рақамли технологияларнинг ривожланиши ўз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни янги турдаги жиноят излари ва далиллар билан ишлаш услубиётини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Хусусан, бугун рақамли далиллар билан ишлаш жараёнида судга қадар ва суд муҳокамаси босқичларида ғоят аҳамиятни касб этади. Сабаби, рақамли далиллар билан ишлаш суриштирувчи-терговчидан ўта эҳтиёткорлик ва масъулиятни талаб этади. Терговчи рақамли далиллар билан ишлашнинг ҳуқуқий, услубий ва ахлоқий талабларини билмасдан туриб, уларнинг мақбуллигини таъминлаши мумкин эмас. Шунга кўра, соҳага оид назарий билимларни шакллантиришда муайян криминалистик билимларга эҳтиёж сезилади.

Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан кейинги йилларда жамиятдаги қонун бузилиши, адолатсизлик, инсон ҳуқуқларига беписанд муносабат, коррупция ҳолатлари фуқаролар ва кенг жамоатчилик томонидан қизгин муҳокама қилинаётган муаммолар ҳисобланган ва унга қарши жиддий кураш олиб борилаётганлиги тўғрисида тўхталиб, рақамли далиллар билан маълумот бериш билан бирга, ҳар қандай жиноят жазосиз қолмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтгани бежиз эмас.



Мантиқан “далил” тушунчаси амалдаги Жиноят процессуал қонунчилигида белгиланган бўлсада, hozirgi кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида “Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси эълон қилинган бўлиб, унда муҳокамага тавсия этилган электрон далиллар сифатида – “Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий ва рақамли далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади»деган таклиф киритилмоқда. Демак бу ҳолат, иш учун аҳамиятга эга бўлган муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизликни муқаддам ҳақиқатда юз берганлик фактини тасдиқлайди.

Энди суриштирувчи терговчи киритилаётган 87-модданинг Далиллар тўплаш босқичида эса “Далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш, олиб қўйиш, тинтув, кўздан кечириш, шунингдек, компьютер тармоқларида масофадан эркин уланиш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, эксперимент ўтказиш, экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш, экспертиза ва тафтиш тайинлаш, тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан тўпланаши” кўрсатилмоқда.

Шу билан бирга амалдаги ЖПКнинг 140-141-модда Электрон-техник қурилмаларни, компьютер тармоқларини ва бошқа электрон маълумотлар ташувчиларини кўздан кечириш [1].

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва суд ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассис ёки эксперт иштирокида электрон-техник қурилмани ва бошқа электрон маълумотларни ташувчи воситаларни аниқланган жойида электрон ахборотни сақлаш ва олишнинг самарали воситаларидан фойдаланган ҳолда кўздан кечирилади [4].

Агарда жойида аниқланган электрон-техник қурилма ёки бошқа турдаги электрон маълумотлар ташувчиси унинг қисмини ташкил этса ёки бир қисми бўлса, электрон маълумотларни қидириб топиш учун терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва суд ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассис ёки эксперт иштирокида масофадан туриб компьютер тармоғини кўздан кечириши мумкин.

Агар икки ва ундан ортиқ компьютер тармоқларида қидирилаётган электрон маълумотларнинг бир қисми бўлиши борасида асослар мавжуд бўлса, масофадан туриб кўздан кечириш амалга оширилиши мумкин бўлади.

Электрон-техник қурилмаларини, компьютер тармоқларини ва электрон маълумотларнинг бошқа ташувчиларини кўздан кечириш бошқа электрон-техник воситаларни қўллаган ҳолда амалга оширилиши мумкин ва бу жараёнда аниқланган



электрон маълумотлар бошқа электрон маълумотларнинг ташувчисига кўчириб олиниши мумкин [2].

Агар электрон маълумотларни кўчиришнинг иложи бўлмаса ёки бу ҳолат йирик корпоратив компьютер тармоқларининг нормал шароитда фаолият кўрсатишига сезиларли негатив таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, улар тергов ҳаракатини ёзиб олиш амалга оширилаётган қурилма монитори экранидан тасвирни тушириш орқали қайд этилиши мумкин» дейилган.

Мазкур ҳолатни муҳокама қиларканмиз ҳодиса жойида суриштирувчи терговчи бевосита тадқиқ объектларни аниқлаш ва уни олиб хужжатлаштириш жараёнида эксперт ва мутахассисни иштирок этиши шарт қилиб қўйилмоқда. Рақамли далиллар билан ишлаш жараёни уларни тўплаш, текшириш, сақлаш, транспортировка қилиш ва баҳолашнинг ахлоқий, процессуал ва услубий қоидаларини қамраб олади. Ушбу жараёнларнинг ҳар бири мустақил босқич бўлиб, бунда муайян ҳуқуқий ва техник талабларга риоя этилади.

Рақамли далиллар билан ишлашнинг услубий қоидалари барча процессуал ҳуқуқ соҳалари учун бир хил мажбурий аҳамиятга эга. Шу билан бирга, ушбу қоидалар шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан бевосита боғлиқ. Қолаверса, ҳуқуқни қўллаш амалиётида рақамли далиллар билан ишлаш бўйича шаклланган турли амалиётларни унификация қилиш эҳтиёжи мавжуд. Шу боис, мазкур қоидалар муайян ваколатли субъект томонидан тасдиқланиши ҳамда халқаро амалиёт ва стандартларга мослаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

Рақамли далиллар ўта таъсирчан ва тез ўзгарувчан хусусиятга эга. Шу сабабли, улар билан ишлашда махсус тайёргарлик талаб этилади. Сабаби, биргина эҳтиётсизлик натижасида тергов учун қимматли бўлган рақамли далилларга зарар етказиш ёки уларни йўқотиб юбориш эҳтимоли юқори. Бундан ташқари, қонунни қўлловчи мутахассис фикри ёки эксперт хулосасини тўғри баҳолаши, самарали тергов йўналишларини белгилаши учун ҳам рақамли далилларни мустақил таҳлил этиш кўникмасига эга бўлиши зарур. Бундай билимларга эга бўлмаслик рақамли далилларнинг мақбуллигини хавф остида қолдиради ёки унинг бузилишига сабаб бўлади.

Шунга кўра, соҳада махсус терговчи, прокурор ёки судьяларни тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Терговчи махсус – рақамли криминалистиканинг янги ривожланиб амалиётга кириб келаётган ихтисослиги бўйича малака ошириш курсларида қайта тайёргарликдан ўтган, жиноят ишини тергов қилиш ваколатига эга бўлган шахсдир. У жиноят иши бўйича тергов ва тезкор гуруҳига раҳбарликни амалга оширади, иш юзасидан тўлиқ жавобгар шахс ҳисобланади. Бундан ташқари, тезкор-қидирув тадбирлари қонунийлиги устидан назоратни амалга оширади, рақамли далилларни тўплаш, сақлаш, текшириш ва баҳолаш жараёнлари мақбуллигини таъминлайди. Рақамли далилни транспортировка қилиниши билан боғлиқ масалалар ҳам айнан махсус терговчи томонидан ҳал этади.

Рақамли далиллар билан ишлашнинг ўзига хос хусусияти тўпланган далилларнинг қиймати ва нусхалари бир вақтнинг ўзида ишни кўраётган эксперт,



прокурор, судья ва адвокатга юборилиши билан характерланади. Бу орқали, процесс иштирокчиларига тенг имконият яратилади. Сабаби, рақамли далиллар қийматланганидан сўнг, уларни ўзгартириб бўлмайдиган [3]. Аксинча бўлган тақдирда уларнинг мақбуллиги бузилади.

Рақамли далиллар билан ишлашнинг асосий шарти уларни эксперт, мутахассис иштирокида олиниши билан боғлиқдир. Қоида тариқасида, мутахассис эҳтимол тутилган ахборот хавфсизлиги муаммолари тўғрисида гуруҳ аъзоларини огоҳлантиради, тизим, тармоқ конфигурацияси ҳақида дастлабки ва кейинги ахборотларни тақдим этади ҳамда ишга алоқадор ҳолатларни ҳужжатлаштиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, ишга оид бошқа ҳолатлар бўйича терговчига услубий ёрдам кўрсатади.

Шундан сўнг эксперт рақамли далиллар, излар ва уларнинг манбаларини аниқлайди, техник талаблар асосида улардан нусхалар олади ҳамда рақамли қурилмада амалга оширилган ҳаракатлар кетма-кетлигини ҳужжатлаштиради. Бундан ташқари, ишга алоқадор рақамли далилларни таҳлил қилади, текширади, тадқиқот натижаси бўйича илмий асосланган хулоса ва тушунтиришлар беради.

Рақамли далилларни кўздан кечириш жараёни визуал (имейж) усулда кўздан кечирилади, қийматланади (хеш функция) ва тасдиқланади. Рақамли далилларни визуал (имейж) усулда қайд қилиш уларнинг яхлитлигини таъминлашнинг ишончли усулидир. Имейж (визуал) усули содда ва кам вақт талаб қиладиган жараён дур. Бунда рақамли далиллардан визуал (расм қилиб) нусха олинади ва уларга махсус дастурлар ёрдамида қиймат берилади. Ушбу қиймат ўзгарса, далилнинг яхлитлиги ҳам бузилади. Сабаби, берилган қийматни қайта тиклашнинг имконияти мавжуд эмас.

Рақамли ахборотлардан имейж усулда нусха олишнинг фойдали жиҳати далил бошқа қурилмага кўчирилгандан сўнг асл қурилмани эгасига қайтариш мумкин. Шунингдек, рақамли далилнинг қиймати белгиланган тартибда судга юборилади. Ушбу усул рақамли далилларни ҳар қандай ташқи таъсирлардан ҳимоялаш имконини ҳам беради.

Визуал (image) нусха кўчириш орқали олинган маълумотларни очиш ва текшириш учун махсус рақамли криминалистик воситалар зарур. Масалан, “Magnet Axiom”, “Accessdate”, “EnCase”, “EnCase FIM” “Elcomsoft”, “Belkasoft Evidence Center 2020”, “Belkasoft Acquisition and Analysis Suite” ва х.к. Ушбу воситалар рақамли далиллар билан бевосита ёки масофадан туриб ишлаш учун мўлжалланган. Муҳим аҳамиятга эга бўлган файллар рақамли суд-экспертиза дастурий воситалари орқали олинади ва намойиш этилади. Бироқ, далилларнинг таркиби ва яхлитлиги ёки файл ва мета-маълумотлар ўзгартирилмайдиган [5].

Рақамли қурилма ва далиллар кўздан кечирилгач, белгиланган тартибда баённома тузилади. Баённомада рақамли далилларнинг хеш қиймати холислар томонидан имзоланади. Шу йўл билан холислар иштирокига оид процессуал муаммолар ечилади. Махсус дастурлар ёрдамида рақамли ахборотларга оид ҳисоботлар тергов ишига қўшиб қўйилади. Шунингдек, баённомада қандай техник қурилма ва дастурий воситалардан фойдаланилгани кўрсатилади.



Рақамли қурилмалар олингач белгиланган тартибда антистетик пакетларга солинади. Ҳар қандай механик шикастланишлар ва радиотўлқин, электро-магнит таъсирлардан ҳимояланган ҳолда ўралади. Бунда рақамли қурилмани USB ва порт каналлари ташқи томондан ёпилиб, қадоқланади. Шундан сўнг терговчи уларни транспортировка қилиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.

Юқорида келтирилган процессуал ҳаракатларга асосланиб, жиноят процессида далиллар мақбуллиги тушунчасидан келиб чиққан ҳолда рақамли криминалистик тадқиқотлар асосида олинган процессуал расмийлаштирилган далиллар асосида ЖПКнинг 81 моддасининг иккинчи қисмига далил сифатида “Рақамли криминалистик тадқиқот натижалари”ни киритиш мақсадга мувофиқ.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси ЖПК 140-141 нврс ва ҳужжатларни кўздан кечириш, ЎҚХ., 2017 йил 36 сон, 943 модда.
2. Криминалистика дарслик Закурлаев А.К.нинг умумий таҳрири остида, Б.Хамидов 1-жилд IMPRESS MEDIA /2023/-408-413б.
3. А. Закурлаев Жиноят процессида далиллар. ўқув қўлланма /2022. ЎР ЖХУ /92б.
4. А. Закурлаев Жиноят процессида исбот қилиш. ўқув қўлланма /2022. ЎР ЖХУ /45-476 б.
5. А. Закурлаев. Ҳодиса жойида кўринмас излари аниқлаш усуллари Osed Ўқув услубий қўлланма. Lesson Press /2022. -81-82б.